

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигига доир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари олий даражадаги мулоқотлар якунида эришилган келишувларни амалга

оширишнинг боришини, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалаларини кўриб чиқдилар.

Халқаро ва минтақавий кун тартиби, шу жумладан, Украина атрофида юзага келаётган вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

БУГУННИНГ ГАПИ

...Электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг бетакорр экомуҳитини муҳофаза қилиш мақсадида Саудия Арабистонининг "ASWA POWER" компанияси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасида 100 МВт. қувватли янги шамол электр станциясининг қурилишини бошлаш учун кенг жамоатчилик билан бирга бугун, 2022 йил 24 февраль куни тамал тошини қўйишга қарор қилдик. Ушбу лойиҳа ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашда мустақкам асос бўлиб хизмат қилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЮРТИМ ШАМОЛИ — БАРҚАРОР ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Давлатимиз раҳбарининг Беруний туманида шамол электр станцияси қурилиши тамал тошига қўйилган капсула ичидаги мактубда ана шундай сўзлар бор. Пайт келиб, ушбу эзгу тилакларни неваралар, эваралар ўқиши ва бундай йирик лойиҳаларга уларнинг боболари дунёда таҳликаю таҳдидлар авж олган бир кезде жазм этганидан фахр-ифтихор туйиши турган гап. Бинобарин, Президентимиз айтганидай, "Бу бир йиллик эмас, йилларга татийдиган лойиҳа"дан улар ҳам манфаат кўради.



Мазкур лойиҳага катта аҳамият қаратилаётганининг ўз асослари бор. Маросимда қайд этилганидек, Қорақалпоғистон ўнлаб йиллар давомида энергетика танқислигини бошдан кечириб келди. Худудда ягона бўлган ва бундан 65 йил аввал қурилган Тахياتош иссиқлик электр станцияси

ўсиб бораётган эҳтиёжни қондириш учун етарли бўлмай қолди. Шунинг учун ушбу станция 680 миллион доллар эвазига модернизация қилиниб, 560 мегаваттга тенг қувватлар ишга туширилди.

▶ Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ҚАДИМ ҚОРАҚАЛПОҚ ЗАМИНИ ЯШАРМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА ТАШРИФИДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР



Инсон ҳаёти турфа синовлар билан кечади. Уларни енгиб ўтишда фидойи, яхши инсонлар борлиги учун ҳам ҳаётимизга мазмун иниб, шукроналик ҳисси билан яшаймиз.

Қорақалпоғистон ва бу замин элининг бугунги ҳаёти, янги тараққиёт замони ҳақида сўз юритганимизда тилимизга шундай эътироф кўчади: шу обод кунларга етказганига шукр, Аллоҳнинг назаридан бегона қилмасин, эзгу

ишларни бошлаган давлатимиз раҳбари, меҳнаткаш халқимиз омон бўлсин, хайрли ниятларимизга биргаликда етиш насиб қилсин. Муболағага йўйманг — кейинги йилларда Қорақалпоғистоннинг янги тараққиёти,

одамлар ҳаётидаги фараҳли ўзгаришлар қорақалпоқ халқига Президентимиз меҳри билан кўр олаётгани тилларда, дилларда дoston бўлмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

ЭЪТИРОФ

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ҲАЁТИМИЗДА СЕЗЯПМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга бу галги ташири Оролбўйининг энг олис ҳудудларидан бошланди. Президентимиз оддий аҳоли вакиллари билан учрашиб, уларнинг фикр ва таклифлари билан танишди. Оролбўйини ривожлантириш бўйича йирик лойиҳалар тақдимотларида иштирок этди.

Худуддаги кенг қўламли ислоҳотлар, янгилаётган инфратузилма, рўёбга чиқарилаётган улкан экологик дастурлар, ҳеч шубҳа йўқки, ҳудуд аҳолиси ҳаётига туб ўз-

гаришлар олиб келмоқда. Бу тарихий эврилишлар қорақалпоқ элининг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаб, бугундан рози бўлиб яшашига замин ҳозирламоқда. Буни

қуйида улар билдирган дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.

▶ Давоми 3-бетда

ЯНГИЙЎЛДА ЯНГИ ҲАЁТ НАШИДАСИ

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ



Узоқ ўтмиш, юксак маданият маскани

Янгийўл деганда, кўз ўнгимизда Тошкент яқинида жойлашган, саноати ривожланган, йирик корхоналарга эга шаҳар гавдаланади. Аслида ҳам бу маскан Тошкент воҳасидаги кўҳна ўтмиш, юксак маданиятга эга гўшалардан бири. Тарихда бу ҳудуд Қовунчи деб номланган. Бунга сабаб, қадим-қадимдан худудда деҳқончилик ривожланган, қовуннинг кўплаб навлари етиштирилган. Шаҳардаги Қорақулдуқ ариғининг чап соҳилида Қовунчитепа харобаси мавжуд. Тадқиқотларга кўра, мазкур тепалик ўрнида милoddан аввалги VI, милoddий VIII ва XV-XVI асрларда гуллаб-яшнаган шаҳарча бўлган.

Айни пайтда салкам 82 минг аҳоли истиқомат қилаётган, кўҳна тарих ва бой маданиятга эга бу шаҳар янгилиниш ва яшаришининг ойдin йулидан дадил одимламоқда. Бугун Янгийўл тамомилан ўзгарди, бунёдкорлик ишлари сабаб тобора гўзал қиёфа касб этиб бормоқда, аҳолининг турмуш фаровонлиги, дунёқароши юксалипти. Бу, аввало, юртимиздаги кенг қўламли ва халқчил ислоҳотлар натижасидир.

▶ Давоми 4-бетда

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

БАТАН ТАҚДИРИГА ДАҲЛДОРЛИК ҲИССИ олий ўқув юртлари ва мактаблар ҳамкорлигида камол топади



Олий ўқув юртлари ва умумтаълим мактабларининг ўзаро ҳамкорлиги ва тажриба алмашиши таълим тизимидаги тараққиётни белгиловчи омиллардан биридир. Президентимизнинг "Нажот таълимда, нажот мактабда, нажот билимда", деган эътирофидан таълимга эътибор Ватан тақдирига даҳлдор эканини англаш қийин эмас.

▶ Давоми 5-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

Қорақалпоғистонда 100 МВт.ли шамол электр станциясини барпо этиш учун Европа Тикланиш ва тараққиёт банкнинг техник кўмагида тендер эълон қилинди ва унга 70 та компания ва консорциум қизиқиш билдирди. Улар орасидан кейинги даврага 20 га яқин талабгор чиқди. Бундан бир йил олдин бўлиб ўтган танловда давлат-хусусий шериклик асосида ишлаб чиқариладиган шамол энергияси учун энг паст тариф — 1 киловатт соат электр учун 2,56 цент тақриф қилган Саудия Арабистонининг "ACWA POWER" компанияси ғолиб деб топилди.



ЮРТИМ ШАМОЛИ — БАРҚАРОР ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Бошланиши 1-бетда

Эндиликда улғу аллома бобомиз таваллуд топган ва унинг номи билан аталган заминда замонавий шамол электр станциясининг барпо этилиши аҳолини, ижтимоий-иқтисодий иншоотларни барқарор электр қуввати билан таъминлаши баробарида хорижий инвесторлар учун корхона қуриш ёки хизмат кўрсатишда сув ва ҳаводай зарур бўлган инфратузилма имкониятларини кенгайтиради. Бинобарин, Қорақалпоғистонда келгуси беш йилда 2 миң 500 та янги корхона ташкил этиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 2 баробар ошириш режалаштирилган. Бундай мақсадларга эришишда яйдок дашту мовий кенгликларда миллионлаб йиллардан буюн эсиб ётган шамолнинг беминнат қуввати ҳам катта куч беради.

кўмир сарф қилинади. Боз устига, кўмир асосида ишлайдиган қуввати 1 МВт.га тенг бўлган станция атмосферага йилга 1800 тонна углерод ва 13 тонна азот оксидини чиқаради. Бир МВт. қувватли шамол генератори эса 20 йил давомида 29 миң тонна кўмир ёки 92 миң тонна нефтни иқтисод қилади. Бу қурилмалардан олиннадиган энергия экологик энг тоза электр қуввати ҳисобланади.

БИР КИЛОВАТТ СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН 2,57 АҚШ ЦЕНТИ

Қорақалпоғистонда 100 МВт.ли шамол электр станциясини барпо этиш учун Европа Тикланиш ва тараққиёт банкнинг техник кўмагида тендер эълон қилинди ва унга 70 та компания ва консорциум қизиқиш билдирди. Улар орасидан кейинги даврага 20 га яқин талабгор чиқди. Бундан бир йил олдин бўлиб ўтган давлат-хусусий шериклик асосида ишлаб чиқариладиган шамол энергияси учун энг паст тариф — 1 киловатт соат электр учун 2,56 цент тақриф қилган Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси ғолиб деб топилди.

Қайд этиш жоиз, 2010 йилдан 2020 йилгача бўлган даврада қурулдиқдаги шамол станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўртача нархи 56 фоизга ACWA кВт/соат учун 8,9 АҚШ центидан 3,9 центга пасайган. Қорақалпоғистонда қурилаётган станция учун эса "ACWA Power" компанияси ундан ҳам оз — 1,4 цент камроқ нархни тақриф қилган эди.

— Мана энди "ACWA Power" компанияси 100 МВт. қувватли янги шамол электр станциясини қуриши бошлайди, — дейди Энергетика вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдуллажон Отабоев. — Станция 2 йил ичида, яъни 2024 йилда ишга туширилади. У ишга тушган, йилга 350 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқариб, 120 миңдан ортик хонадонни муқобил энергия билан таъминлайди.

Аҳамиятисиз, станция ишга туширилиши натижасида йилга 106 миллион куб метр табиий газ тежаланишига эришилади ҳамда атмосферага 160 миң тонна зарарли чиқиндилар чиқишининг олди олинади. Ушбу ҳажмдаги тежаланган газ билан 35 миң хонадонни 1 йил давомида табиий газ билан таъминлаш мумкин.

Яна бир муҳим томони, станция қурилишида 400 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритади. У ишга тушган, 30 нафар малакали муҳандис ва техник ҳодим юқори даромадли доимий иш билан таъминланади. Лойиҳага кўра, 25 та шамол турбинаси ўрнатилмади. 20 километр бўлган 220 киловольт қувватли электр узатиш ҳаво тармоғи қурилиб, бу қувватлар мамлакат ягона энергетика тизими билан тўлиқ уланади.

Президентимиз станция учун зарур қурилмаларни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади. Хусусан, "Тахитов металл конструкция" заводида таянч ус-туналар, "Нукус электр аппарат" корхонасида трансформатор ва электр техника жиҳозлари, бошқа корхоналарда эса кабелъ ва ўнлаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга қўйиш мумкин. Лойиҳа қиймати 108 миллион долларни ташкил этиб, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида юз фоиз инвестор томонидан молиялаштирилади.

"ACWA Power" компанияси Ўзбекистонда умумий қуввати 2 600 МВт. бўлган иссиқлик ва шамол электр станциялари юқорида қайд этилган маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг шамол қуввати бўйича жуда катта салоҳиятидан фойдаланиш ишлари тобора кенгайиб борапти.

қурилишида иштирок этяпти. Хусусан, Бухоро вилоятининг Пешку ва Ёғдуюв туманларида ҳар бирининг қуввати 500 МВт.дан бўлган 2 та шамол электр станцияси барпо этилиб, 2024 йил бошида ишга туширилиши мўлжалланган. Шу билан бирга, компания томонидан Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида қуввати 1 500 МВт. бўлган иссиқлик электр станцияси қурилоқда ва бу иншоот 2023 йилнинг тўртинчи чорагида иш бошлаши режалаштирилган.

Беруний туманидаги маросимда сўзга чиққан "ACWA Power" компанияси директори Муҳаммад Абдулла Абунаён шундай фикрларни билдирди: — Муҳтарам Президент, бугун бу ерда сиз билан қўришиб турганимдан жуда ҳам катта гурур, шараф, қувонч ҳис қилмоқдаман. Сизнинг узқони кўзлаган сиёсатингиз ва режаларингиз, олиб бораётган ислохотларингиз туфайли ўтган беш йил нафақат Ўзбекистон учун, балки бутун дунёда бир ўзгача давр бўлди, десак хато бўлмайди. Ўзбекистон энергетика тармоғидаги ўзгаришлар, трансформация жараёнлари бунинг ёрқин намунаси.

"ACWA Power" компанияси дунёнинг 13 мамлакатда фаолият юритади. Лекин илк бор фақат Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклиги асосидаги лойиҳани жуда тез суръатда, ҳаққоний, шафқатли равишда амалга оширишга асосида амалга оширяпмиз. Шунинг учун ҳам биз 2,9 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган инвестициямизни киритмоқдамиз.

Бу ерда нафақат энергия ишлаб чиқариш, балки уни тўплаш, аккумуляция қилиш ҳам амалга оширилади ва шу жиҳатдан, наинки Ўзбекистон, балки бутун дунё учун шу тарзда амалга оширилаётган биринчи лойиҳа бўлади. Янги лойиҳа билан қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, инвестиция-мизнинг умумий миқдори 4 миллиард АҚШ долларидан ошади. Биз сизнинг етакчилигингизда Ўзбекистонда олиб борилаётган улкан ишларнинг амалга ошишига ишонамиз.

— Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозими, Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси жуда ҳам оқилона ва пухта ишлаб чиқилган ҳужжатдир, — деди ўз сўзида Саудия Арабистони қироллигининг Ўзбекистондаги факултети ва мухтор элчиси Юсуф ал-Утайбий. — Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар янги поғонага кўтарилди ва янада кенг кўлам касб этиб борапти. Бугунги тамал тоши қўйилган лойиҳа ҳамкорлигимиз жадал ривожланаётганига яна бир амалий далил бўлади. Биз Ўзбекистонга хорижий инвестициялар, хусусан, Саудия Арабистони инвесторларининг сармоаларини жалб этишда барча имкониятларни ишга солишга камарбастамиз.

Ҳақиқатан, Экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилинган Оролбўйи минтақасида бошланган бу лойиҳа "яшил энергия" ишлаб чиқариш бўйича "биринчи қалдирғоч" ва ўз соҳасида энг замонавий саналади. Келгуси беш йилда эса бу ҳудудда қуввати қарийб 1 миң 800 мегаватт бўлган яна 3 та шамол станцияси ишга туширилиши кўзда тутилмоқда.

ЮРТИМИЗ ШАМОЛИНИНГ ИСТИҚБОЛ ИНОЯТЛАРИ

Юқорида қайд этилган маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг шамол қуввати бўйича жуда катта салоҳиятидан фойдаланиш ишлари тобора кенгайиб борапти.

Бундан бир неча йил олдин тажриба тарикасида Тошкент вилоятининг Бустонлиқ туманида 750 кВт. қувватли бир турбинали кичик шамол станцияси тикланган эди. Шундан кейин мамлакатимизнинг турли жойларида алоҳида фермер хўжалиқлари, айрим компаниялар томонидан ҳам шундай қурилмалар қурилди ва улар ишлаб турибди.

Президентимизнинг 2019 йил 1 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан, шунингдек, 2019 йил 2 апрелдаги тегишли қарорига асосан, Бирлашган Араб Амирлиқларининг "Masdar" компанияси иштирокида Ўзбекистонда шамол электр станциялари қуриш бўйича инновацион лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган эди.

Айни пайтда бу борада Навоий вилоятининг Томди туманида Бирлашган Араб Амирлиқларининг "Masdar" компанияси умумий қуввати 500 МВт.га тенг шамол электр станциясини барпо этиш ишларини олиб бормоқда. Қиймати 600 миллион АҚШ долларига баҳоланган бу лойиҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилиши мўлжалланган ва унинг 2024 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

— Тараққиёт стратегиясига асосан, 2026 йилга бориб юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари қуввати 8000 МВт.га етказилади, — дейди Абдуллажон Отабоев. — 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 30 фоизга етказиш эвазига йилга қарийб 3 миллиард куб метр табиий газ тежаланиши назарда тутилган. Президент қарори лойиҳаси тайёрланади. Унда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилади. Унга кўра, умумий қуввати 4000 МВт. бўлган 8 та шамол электр станцияси қурилади.

Умуман, шамол, қуёш, гидро ва бошқа муқобил энергиялар табиатнинг инсонга инъом этган битмас-туганмас ва экологик тоза ресурслари ҳисобланади. Мутахассислар фикрича, дунё бўйича ер юзига яқин ҳаводаги, яъни 100-150 метр баландликдаги шамолнинг энергия қуввати ҳозир инсон ишлатётган электр энергияси қувватидан 30 мартаба катта экан. Атмосферада 1000-10000 метр баландликда кучли, доимий эсадиган шамоллар бор. Келгусида техникавий тараққиёт улардан ҳам фойдаланиш имкониятини яратишга ҳеч бир шубҳа йўқ. Олимпор айни кунда автомобиль, поезд, самолёт ва бошқа транспорт воситаларига ўрнатилган шахсоз қурилмалар ёрдамида уларнинг ҳаракатланиши жараёнида юзага келадиган ҳаво қаршиликдан электр энергияси ҳосил қилиш устида илмийлашлар олиб борапти. Демак, бу каби технологиялар ҳам ордан кўп вақт ўтмай, кечагина орзу бўлиб туюлган шамол электр станциялари каби инсониятга беминнат хизмат қилади.

Алқисси, шундай ҳаяжонли кезларда улғу шоиримиз Абдулла Ориповнинг улғу мисралари ёдга келади.

Эсин-эй, боғларнинг жамоли қулсин, Мовий нафас билан тўлсин этаклар. Учқур қўшиқларга бу олам тўлсин, Шайнингга шоирлар айтсин эрталар. Эсин, ватаннинг таралиси боли, О, юртим шамол, юртим шамол...

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ИБРОҲИМ ФАЙЗУЛЛАЕВ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси оғир жудолликка учради. Бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган таниқли агроном ва ташкилотчи раҳбар, Ўзбекистон Қаҳрамони, меҳнат фахрийси Иброҳим Файзуллаев шу йил 25 февраль куни 89 ёшида вафот этди.

И.Файзуллаев 1933 йил 25 августда Сурхондарё вилоятининг Денов туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, меҳнат фаолиятини 1949 йилда жамоа хўжалигида оддий ишчи сифатида бошлади. Кейинчалик Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти учун агроном мутахассислиги бўйича тамомлаб, Денов туманининг Собир Раҳимов номидаги жамоа хўжалигида антомолог-агроном, бош агроном ҳамда хўжалик раиси, Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош агрономи каби лавозимларда фидокорона меҳнат қилди.

Деҳқончилик соҳасининг сирларини чуқур эгаллаган, бой билим ва ҳаётий тажрибаси, бор куч-ғайратини эл-юрт ишига бағишлаган миришкор инсон умрининг охиригача ўз касбига содиқ қолиб, сўнгги йилларда ҳам Денов туманида галла-уруқчилик хўжалиги бошлиғи лавозимида самарали ишлаб, кўпчиликка ибрат ва намуна бўлди.

И.Файзуллаев кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзини ер илмининг ҳақиқий билимдонини, замонавий агротехнологиялар ва хўжалик юрийтиш усулларини пухта эгаллаган ташкилотчи раҳбар, меҳнатсевар, камтарин ва ватанпарвар инсон сифатида намойён этиб, бутун мамлакатимизга танилди.

У республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг қўламли иш-ҳотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга ўзининг ҳалол меҳнати, амалий ташаббуслари билан муносиб ҳисса қўшди.



Хусусан, Денов туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлаш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари қуриш ва обод қилиш, янги боғ ва хиёбонлар барпо этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди.

И.Файзуллаев мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати сифатида ҳам самарали фаолият олиб борди.

Иброҳим Файзуллаевнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари юксак даражада эътироф этилиб, у 1993 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими" ҳамда 1996 йилда "Ўзбекистон Қаҳрамони" фахрий унвонлари билан тақдирланган эди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг улкан намояниси, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Иброҳим Файзуллаевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Т. БОБОЛОВ

БМТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИ ДОИМИЙ КООРДИНАТОРИ ЎЗ ВАЗИФАСИГА КИРИШДИ



Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори этиб тайинланган Роли Астханани қабул қилди.

Вазир Роли Астханани ушбу лавозимга тайинлангани билан табриқлар экан, Ўзбекистон БМТ ва унинг иختисослашган идоралари билан конструктив ва ишончли ҳамкорлик ўрнатганини таъкидлади. Янги тайинланган доимий координаторнинг касбий ютуқлари ва иш тажрибаси ушбу ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашгани, амалий мазмун билан бойиб бораётгани таъкидланди. Мамлакатимиз Ташкилот фаолиятининг барча йўналишларидаги жараёнларнинг фаол иштирокисига айланди. 2018-2021 йилларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Бош Ассамблеянинг тўртта қарори тасдиқланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда БМТ идоралари иштирокида умумий қиймати 174 миллион АҚШ долларидан зиёд 137 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Минтақавий хавфсизлик, Афғонистонни барқарорлаштириш ва тиклаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи инқироzi оқибатларини юмшатиш каби соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш иштиқболлари кўриб чиқилди.

Роли Астхана 2017-2021 йилларда БМТнинг мамлакатимиздаги миссиясига раҳбарлик қилган Хелена Фрейзер ўрнини эгаллади.

ҚАДИМ ҚОРАҚАЛПОҚ ЗАМИНИ ЯШАРМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА ТАШРИФИДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси



Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ҳар бир ташрифи меҳнатқаш, танти элимиз қалбида эзгу мақсадлар уйғотилади.

Мўйноқ — янги Ўзбекистоннинг оламшумул янгилиги

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга бу гаги ташрифи ҳам янги ва ёрқин тарихий саҳифаларга бой бўлди. Бу саҳифа Қорақалпоғистоннинг энг узоқ тумани Мўйноққа биринчи рақамли борт илк бор Тошкентдан келиб қўниши билан очилди.

Шу сониялар қадрли мўйноқликлар, қорақалпоқ халқи ёдида узоқ йиллар сақланиб қолгани табиий.

Хуллас, Президент ўтирган самолёт Мўйноқ аэропортига қўниши билан узоқ йиллик оғир дарддан фориғ бўлиб, кучга тўлаётган, яна яшарётган Мўйноққа янги ҳаво, кут-барак ва катта орзу-умидлар, зўр шижоат, кудрат нафаси кириб келгандек бўлди.

Оқсоқоллар гурунгида:
— Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги ташвишли йиллар ёдимга тушди. Мана шу аэропорт 1947 йилда қурилганда ҳали гўр бола эдик. Лекин ҳаёт ташвиши, рўзгор юки бизни тез улғайтирди. Денгиз бизга ҳам она, ҳам ота бўлди. Насибамиз шовулпаган тўлқинлар узра сузарди...

— Нимасини айтасан, ўша эски аэропорт бола нисоҳимизда улкан сарҳадларни бағрига жойлагандек туюларди. Ешимиз, бўйимиз ўсавергач, у кичик самолётларнигина қабул қилишни ташинганмиз. Ҳозир кўз олдидан кечга кунлар ўтмоқда. Оролимиз биздан чекинган, қалбимиз ҳам, қаддимиз ҳам, Мўйноғимиз ҳам сўлиб қолди. Лекин сену мен бу ерларни ташлаб кетмадик. Аллоҳга шукр, бир кун буғундайек яхши кунлар келишни билгандекмиз...

Давлатимиз раҳбари бу гурунгни, кайвонилар қаҳридан қарч ураётган уларни сезгандек гапирди:

— Охири беш йилда кўп нарсани ўргандик, илгари ишонилмаган нарсаларга ишондик. Мен биринчи келганимда “Мадаина Мўйноқдан бошланади”, дегандим. Шундай бўляпти. Мана шу аэропорт ҳам бир мисол. Энди Тошкент — Мўйноқ — Нукус авиақатнови йўлга қўйлади.

Бугунги Мўйноқ — фаҳримиз, яратувчанлик кудратимизнинг ёрқин намоиши, янги Ўзбекистонимизнинг оламшумул янгилиги. Мўйноқдаги катта ислохотларни бугунги тахлиқли даврнинг серташвиш одамлари ҳам порлоқ келажакнинг мустақам ишончи ўларок, зўр кўтаринки кайфият билан кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилаш, Оролнинг қуриган қисмида ўрмонзорлардан иборат “Яшил макон” барпо этиш ишлари кизгин давом этмоқда.

— Биз шу мураккаб шароитда экин бўйича катта тажриба орттирдик. Бу ерга ўзим келишимдан мақсад — энди бу ишларни илмий асосланган тарзда давом эттираемиз. — деди Шавкат Мирзиёев.

Илмий изланишлар қилиб, ҳудуд тупроғига мос навлар яратиш, кейинги босқичда чорвачиликни ривожлантириш бўйича курсатмалар берилди. Оролбўйининг флора ва фаунасини яхшилаш бўйи-

Кенг ва раvon йўллар, оромгоҳлар, спорт майдончалари, ҳаммомлар, тоза ичимлик сув бераётган янги технологияли агрегатлар... Эҳ-ҳе, буларнинг қайси бирини айтасиз. Ҳаммаси кўзни қувнатиб, дилни яйратади.

Ташриф давом этар экан, мен давлатимиз раҳбарининг қадим қорақалпоқ заминига қўйган қадами нақадар кутлуғ келаётгани тўғрисида ўйладим.

Президентимиз Шуманай ва Беруний туманида бўлганида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг оламшумул тамойиллари амалга ошаётганига гувоҳ бўлдик. Шундай кудратли эврилиш силсиласида ижодкор сифатида ўйладимки, халқимиз жуда катта йўл бошида турибди.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси, 7 та устувор йўналиш ва 100 та мақсад истиқболлари катта йўлнинг улғувор 100 пиллапоysisига ўхшайди. Бу йўл инсон қадрини улғулаб, ҳаммамизни янада жипслаштириб, бунёдкор, яратувчан кучга айлантирмоқда. Қорақалпоғистонда

туманида шомол электр станцияси мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйилди...

Эътибор қилсак, мағзини чақсақ, ислохотлар ўз сўзини айта бошлайди. Масалан, келгуси беш йилда Қорақалпоғистонда 2 минг 500 та янги қорхона ташкил этилиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб икки баробарга ошириш режалаштирилган. Бунинг учун нима керак? Албатта, энергия. Энди Беруний шомоллари — қайта тикланувчи энергия манбалари ана шу режаларимиз ривож учун хизмат қилади.

Демак, яқин йилларда нафақат бугунги ҳаётимиз — ўзимиз учун, балки фарзандларимиз, келажак авлодларимиз учун ҳам қайта тикланаверадиган ўлмас мерос қолдирамиз. Шунда уларнинг миннатдорлик ҳиссини бир тасаввур қилиб кўринг-а: *бизнинг узоқни кўра билгучи, дунени асрагучи аждодаларимиз бўлган, улар бизга катта мерос қолдириб, фаровон ҳаётимиз пойдеворини қуришган, биз ҳам уларга муносиб авлодлар бўлайлик...*



маҳалла тарихда илк бор марказлашган ичимлик сув тармоғига уланди.

Электр энергияси сифатини янада ошириш ва зарур қувватлар билан ташминлаш мақсадида утган 5 йилда 2 минг 155,3 километр электр тармоғи, 761 та трансформатор пункти янгидан қурилди ёки модернизация ва реконструкция қилинди. На-

Биз тилга олган бу рақамлар ортда катта ҳаёт манбаи турибди. Негаки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон тақдири эътибордан четда эмас.

Давлатимиз раҳбарининг қорақалпоқ эли билан бўлган учрашувларидаги маърузаларини тинглаб эканман, бугунги кунгача Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун қилинган барча ишлар сарҳисоби 2022–2026 йилларга мўлжалланаётган устувор йўналишларнинг дебочаси эканини аниқладим. Негаки, Тараққиёт стратегиясида Қорақалпоғистонни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Энг асосийси, бу халқчил сиёсат аллақачон бошлаб юборилгани ҳам кўнгилни тоғдек ўстиради. Биргина мисол, қорақалпоғистонлик оналар фарзандлари мактабда бепул озиқ-овқат билан таъминланаётганидан мамнун бўлаётгани қувонарли ҳолдир.

Бир ҳақиқат бор, мен ҳар сафар Президент билан учрашувдан кейин одамларнинг кўтаринки руҳини кўриб қувонаман.

Давлатимиз раҳбари халқимизга Мўйноқ мисолида ҳам, Қорақалпоғистондаги бунёдкорлик мисолида ҳам ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, ҳамкорлик, дўст-биродарликнинг куч-қудратини аниқлади. Масалан, барча вилоят раҳбарлари туманларга, туман раҳбарлари маҳаллаларга бириктирилгани ҳам дўстона муносабатларни янада мустақамлади. Бу ҳар бир туманга янги инвестиция лойиҳалари, катта маблағлар кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Бу йил қорақалпоқ эли қаддини янада баланд кўтарадиган фурсат бўлади. Боиси, халқимиз улкан бунёдкорликлар иштирокисини бўлаётганидан мамнун. Қолаверса, ҳар бир фуқаро — ёшу қари ер ости ва усти бойлиқларини фаровонлик учун ишлатиш, Орол инқирози оқибатларини юмшатиш, деҳқончиликка янги технологиялар олиб кириш, овуллар ободлиги, сув таққислиги борасида давлатимиз раҳбари белгилаб бераётган вазифалар амалга ошишига ишонди. Бу “Уч авлод” учрашувларида, нурунйилар ва ёшларнинг тотувлигида ўз исботини топмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи халқимизнинг янги мақсадлари, бу эл равнақи йўлида амалга оширилган барча ишлар учун катта имкониятлар эшигини очди. Бу имкониятлар ҳар бир инсон қадрини улғулаб, фаровон турмушини кафолатлаб турибди.



“Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи халқимизнинг янги мақсадлари, бу эл равнақи йўлида амалга оширилган барча ишлар учун катта имкониятлар эшигини очди. Бу имкониятлар ҳар бир инсон қадрини улғулаб, фаровон турмушини кафолатлаб турибди.”

Халқимиз ниятлари, мақсадлари ҳамиша эътиборда

Мазмунли ўтган ҳар бир дақиқа қадрли. Бундай онлар кўпроқ давом этаверса, дейсан киши. Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи ҳам ана шундай ҳис-ҳаяжонлар билан ҳозирча яқунланди.

Мен давлатимиз раҳбарининг элимизга аввалги ташрифлари давомида бу ўлкани янада фаровон ва обод бўлишини кўзлаб берган устувор йўналишлари, уларнинг натижалари тўғрисида ўйладим. Бир вақтлар халқимизни кўпроқ қайси муаммолар қийнади: ичимлик сув, электр энергиясидан узилтишлар, газ таъминотидаги ноқулайликлар, таъмир талаб йўллар, уй-жойлар етишмаслиги, ишсизлик, касб-ҳунар бўйича малака, камбағаллик.

Бир ҳақиқатни айтмоқчиман. Давлатимиз раҳбари халқимиз кўнгилдан кечаётган ниятлар, мақсадларни ҳамиша қалбдан ҳис қилади. Одамлар нима дейётган бўлса, Президент ҳам шу муаммоларни илгари суради ва уларнинг ечими топилади.

Мана бир мисол: Қорақалпоғистон Республикасида утган беш йилда аҳолининг 68,1 фоизи марказлашган ичимлик сув билан таъминланди, 420 минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланишига эришилди. Шароити оғир 61 та

ча 5 йиллик миллий дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мўйноқ ҳақида кўп гапиргандек бўламиз, лекин ўйлаб қарасак, яқин-яқингача бу ҳудуд ҳақида сўз юритганда мунғайиб қолардик. Жадал ўзгаришлар, бунёдкорлик сабаб ҳозир фаҳрланамиз. Бу ердаги янгиликлар ҳар қанча гапиршига арзийди.

Мўйноқ тумани аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 2017 йилда лойиҳа қиймати 26,4 миллиард сўм бўлган, узунлиги 96,4 километрлик “Қўнғирот — Мўйноқ” магистрал сув қувури ва Қўнғирот туманида қуввати суткасига 7 минг кубометрга тенг бўлган сув тақсимлаш иншооти қурилиши олиб борилди. Натижда 25 мингдан ортиқ аҳоли тарихда илк бор марказлашган тоза ичимлик сув билан таъминланди. Бундай рақамларни кўп келтириш мумкин.

Энди шомоллар ҳам инсон манфаати учун эсади

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифи энг чекка туманларда давом этди. Одамлар кўзидан қувонч ва ишонч янги орзу-мақсадлар руҳини янада мустақамлади.

Бугун Тахтақўпир туманининг энг узоқ ҳудуди — “Белтов” овул фуқаролар йиғинини таъин бўлмади. “Обод қишлоқ” дастури асосида олиб борилган беқиёс ободонлаштириш ишлари овул қиёфасини буткул ўзгартириб ювди.

бошланган ишлар бунинг ёрқин исботи бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари халқимиз фаровонлиги учун барча имкониятларни яратмоқда. Пировардида, ҳар бир фуқаро ўзини давлат ҳимоясида эканини ҳис қила бошлади. Бугун қандай масала уртага чиқса, ижроси таъминланмоқда.

Ўйланиб қоламан. Биз қандай кунларни кўрган эдик...

Халқ дарди, ташвишлари, муаммолари айтилар эди. Лекин ваъдалар бажарилмасди. Бугун шаҳсан Президентимиз ташаббуси билан ҳаммасининг аниқ ҳисси бор. Вазифалар белгиланган, ижроси назоратда, натижаси халқ фаровонлигида намоеён.

Беруний туманидаги фаоллар йиғилишида давлатимиз раҳбари “Қорақалпоғистоннинг инсонлари меҳнатқаш, ери бой. Энди шомолларимиз иқтисодийта манфаат келтиради. Агар биз катта-катта қорхоналар қурамиз, десак, ҳамкорларимиз авваламбор “энергетиканг борми, йўлинг борми, инфратузилманг борми”, деб сўрайди. Бу ерда қуввати 100 мегаватт бўлган шомол электр станциясини барпо этилиш ҳудуд иқтисодийтага қўшимча куч, замин бўлади”, деди.

Мана кудратимизнинг яна бир намоиши. Бу тарихий ҳодиса инсон қадрини хизмат қилади. Гап шундаки, Президентимиз ташрифи доирасида Беруний

тижада 3,1 мингдан зиёд янги хонадонлар электр энергияси билан таъминланди.

Газ таъминоти яхшиланди. Утган 5 йилда алоҳида дастур бўйича ҳар хил диаметрдаги юкори, ўрта ва паст босимдаги жами 82,8 километр газ тармоғи қурилди. 2019 йилда янгидан ташкил этилган Бўзатов тумани аҳолисини таъин газ билан таъминлаш учун “Бўзатов” газ тақсимлаш станцияси қурилиши яқунланиб, фойдаланишга топширилди. Қорақалпоғистон Республикасидаги 106 мингдан зиёд аҳоли хонадонига суолтирилган газни автоматлаштирилган тизим орқали етказиб бериш йўлга қўйилди.

2017–2021 йилларда кўп квартиралли уй-жой фондиди таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш мақсадида ҳам катта ишлар бажарилди. Жумладан, 771 та кўп квартиралли уйнинг том қисми таъмирланди, 336 та болалар майдончаси янгидан қурилди, 145 та уй олди йўлакларини бетонлаш ишлари олиб борилди.

Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар учун янги иш ўринлари ташкил этган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирлар натижасида 2021 йилда 22,7 мингта янги иш ўрни яратилди. Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари ходимлари 35,4 минг ишсиз фуқарони доимий ишга жойлаштиришга эришди. 26,8 минг фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

ЭЪТИРОФ



Бошланиши 1-бетда

Зиновий НОВИЦКИЙ,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академики



— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Оролнинг қуриган ҳудудида яшил майдон барпо қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, айтиш керакки, Ўзбекистон тахрибасида

илк маротаба қўл урилган улкан лойиҳадир. Ҳисоб-китобларга кўра, Оролнинг қуриган тубидан йилгига 150 миллион тоннагача тузли чанг-тўзон ҳавога кўтарилди ва минглаб километрларгача учиб боради. Натижда бутун дунёда экологик муаммони келтириб чиқармоқда. Денгизнинг қуриган ер майдони 6 миллион гектарни ташкил этади. Унинг 3,2 миллион гектари Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади.

Орол денгизи ҳудудини экологик жиҳатдан яхшилашга қаратилган муҳим масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Айна мақсадга қаратилган дастур ҳамда қатор ташаббуслар амалиётга жадал татбиқ этилмоқда. Тўғри, денгизнинг қуриган тубида яшил қалқон барпо

этиш ҳар қанча мураккаб бўлмасин, кераклигини бугун барчамиз тўшуниб етдик.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ердан кўтарилган чанг ва туз экологияга, инсон саломатлигига, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига бевосита салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қўл шароитида саксовулзорларни кенгайтириш — яшил қалқон яратиш учун энг яхши чора. Саккиз йиллик бир түп саксовул 10–12 тоннагача тузли кумни ҳавога кўтарилишдан сақлай олади. Шу боис, ҳудудда бу ўсимликни кўпайтиришга ҳаракат қилаемиз. Яна бир қувонарли жиҳати, қумликларнинг яшилликка бурканиши билан ҳайвонот дунёси ҳам Оролга қайтмоқда. Айна пайтда бу ҳудудларда қуён, қашқир, тулки, шоқол сингари жонзотларни учратиш мумкин. Энг муҳими, чорва учун жуда қулай яйловлар яратилишмоқда.

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИНИ ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ҲАЁТИМИЗДА СЕЗЯПМИЗ

Бахитгул КТАЙБЕКОВА,
Мўйноқ туманидаги “Адолат” мактабгача таълим ташкилоти директори:

— Биз яшайдиган “Ҳоким ота” овул фуқаролар йиғини туман марказидан 70 километр олисда жойлашган. Овулимизда яқин йилларгача болалар боғчаси йўқ эди. 2020 йили 100 ўринга мўлжалланган муассаса бунёд этилиши овулдошларимиз учун ҳақиқий кутилмаган совға бўлди.

Президентимизнинг Мўйноқ туманига ташрифи чоғида унга боғчамизда яратилган шарт-шароитлар ҳақида айтиб, ота-оналарнинг миннатдорлигини етказдим.

Қуатбой ДАРИБОЕВ,
Тахтақўпир тумани ҳокими ўринбосари — инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғи:



— Давлатимиз раҳбари Тахтақўпир тумани “Белтов” овул фуқаролар йиғини аҳолиси, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан учрашуви чоғида Қорақалпоғистон тарихида бўлмаган катта лойиҳалар ишлаб чиқилаётганини айтди. Қолаверса, Тахтақўпирнинг ҳам аввалги мақени тиклашимиз керак, дея алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан, “Обод қишлоқ” дастури доирасида Тахтақўпир туманининг энг чекка ҳудуди — “Белтов” овул фуқаролар йиғинида ҳам улкан янгиликлар амалга оширилди. Хусусан, 1068 киши истиқомат қилаётган ҳудудда йўллар таъмирланди. Эскирган электр



ва сув тармоқлари янгиланди. Узоқ йиллардан буён қаровсиз қолган мактаб ва боғча мукамал таъмирдан чиқарилиб, замонавий шароитлар яратилди. Маҳалла ёшлари учун мини футбол майдончаси бунёд этилди. Белтов сойи атрофи ободонлаштирилиб, аҳоли дам оладиган масканга айлантирилди.

Албатта, бу улкан ишлар маҳалла аҳли, айниқса, ёшлар ҳаётида туб бурилиш ясаётгани қувонарли.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ
ёзиб олди.



ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 5 январь куни Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Янгийул шаҳридаги “Файзли” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлди. Шу ерда шаҳарнинг бош режаси лойиҳаси, кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш дастури ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замонавий технологиялар асосида такомиллаштиришга боғлиқ маълумотлар билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди. Шаҳардаги кўп қаватли уйларни тўлиқ таъмирлаш, янги кўп қаватли уй-жойлар, замонавий боғ, бозор, супер-маркет, кўприк қуриш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

2020 йил 7 декабрда эса Президентимизнинг “2021-2022 йилларда Янгийул шаҳрини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди.

Бугун мазкур қарор ва топшириқлар ҳаётида ўз ифодасини топаётгани учун Янгийул шаҳрида бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёйган. Мухими, бундай янгиланиш ва ўзгаришларни одамлар ўз ҳаётида хис этмоқда.

Таълим: замонавий ёндашув ва самара

Ана шундай янгиланиш ва ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлиш учун Янгийул шаҳрига йўл олдик. Шаҳарга кириб келар эканмиз, даставвал “Happy kids” деб номланган боғча эътиборимизни тортди. Боиси, ноодатий меъморлик услубида қу-



рилган боғча биноси шаҳар кўрғига кўрк қўшиб турибди. Утган йилнинг 25 ноябрида ўз фаолиятини бошлаган икки қаватли боғча 100 ўринли бўлиб, айни пайтда 58 бола тарбияланмоқда. Бу ерда 13 та янги иш ўрни яратилган.

— Боғчамиз монессори усулида фаолият юритади, — дейди мактабгача таълим муассасаси директори Нигора Болтабоева. — Бу дунёда кенг оммалашаётган усуллардан саналади. Бунда болалар қайси машғулот билан шуғулланишни ўзлари ихтиёрий танлайди. Қимдир расм чизмоқчи бўлса, расм чизади, уйинчоқ ўйнайман деса, уйинчоқ ўйнайди. Хуллас, болалар ортиқча расмийчиликлардан холи тарзда хоҳласа стулга, хоҳласа ерга ўтириб севган иши билан машғул бўлиши мумкин. Бу усул болаларни турли қўлиплардан халос этиш, қизиққан машғулоти билан эркин шуғулланиши орқали ўз иқтидорини юзага чиқаришга қаратилган. Мулоқот ўзбек ва инглиз тилларида олиб борилади. Рус ва араб тиллари тўғрисидаги мавзудир. Ментал арифметика бўйича машғулотлар ўтказилади. Болаларнинг жисмонан чиникиши учун спорт машғулотларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда Янгийулда 14 та давлат, 2 та нодавлат, 3 та давлат-хусусий шериклик ҳамда 2 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. 2018-2021 йилларда 1 та давлат мактабгача таълим муассасаси, 1 та нодавлат, 3 та давлат-хусусий шериклик ҳамда 2 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди, 12 та давлат МТТ тўлиқ реконструкция қилинди. 2018 йилда шаҳардаги бундай муассасалар камриби 51 фойз бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 78,2 фойзга етди.

Янгийул шаҳридаги аксарият мактаблар узоқ йиллар давомида таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Бинолар, инвен-

тарлар эскириб, талабга жавоб бермасди. 2018-2021 йилларда барча умумий ўрта таълим мактаблари капитал таъмирланди. Таълимга қаратилган эътибор натижасида 2021 йилнинг ўзида 300 га яқин мактаб битирувчиси хорижий ва маҳаллий олий таълим муассасалари талабаси бўлди.

Президентимиз ташаббуси ортдан Усмон Юсуповнинг 120 йиллиги муносабати билан 2020 йилда таъмирланди ва кўркам, обод масканга айланди. Музейдан жами 4570 та экспонат жой олган. Унинг мемориал қисмида Усмон Юсуповнинг шахсий буюмлари, китоблари, кийимлари, маънавий ва этнография ашёлари сақланади. Экспозиция қисмида эса давлат арбобининг ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи фотосуратлар, ҳужжатлар, хатлар, расмлар, ҳайкалчалар, буюмлар ўрин олган.

— Усмон Юсупов асли фарғоналик бўлиб, ўн тўрт-ун беш ёшларида оиласи билан Эски Қовунчи, ҳозирги Янгийул шаҳрига кўчиб келган, — дейди мемориал уй-музей директори Сайёра Мамадалиева. — Оддий дехқон оиласида улғайиб, давлат арбоби даражасига кўтарилган бу инсон собиқ шўролар ҳукмрон бўлган энг мураккаб даврда республикани бошқарган. Эл-юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилган. 1947 йилдан умрининг охиригача шу уйда яшаган. Бу ерга нафақат мамлакатимиз, балки чет давлатлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюради. Уй-музейда турли байрамларга атаб кўрғазмалар ташкил қилинади. Шунингдек, тарихимиз, хусусан, Усмон Юсуповнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳар ойда икки марта мактаб, коллеж ўқувчилари иштирокида суҳбат ва учрашувлар ўтказилади. Зеро, бу инсоннинг ҳаёт йўли, ибратли фаолияти бугунги ёшлар учун чинакам тарбия мактаби бўла олади.

— 2002 йилдан буён шу мактаб раҳбариман, — дейди директор Эльвира Османова. — Анча вақт давомида мактабимиз эътибордан четда қолиб, уни таъмирлаш, замон талабига мослаштириш ортага сурилиб келаётганди. Утган йили “Обод маҳалла” дастури доирасида таъмирланди, барча замонавий шароитлар яратилди. Янги инвентарлар, ўқув қуроллари олиб келинди. Яқин вақт ичида мактабимизни STEM модели асосида дарс берадиган таълим муассасасига айлантириш кўзда тутилган. Мазкур модел математика, хорижий тиллар, ахборот технологиялари, кимё, биология фанларини яхлит, бир-бирига уйғун тарзда ўқитишга асосланган. Замон талаб қилаётган муҳим соҳалар — робототехника, дастурлаш, ментал математика бўйича ҳам дарслар ўтилади.

Бугунги кунда Янгийул шаҳрида жами 13 та умумий ўрта таълим мактаби фаолият юритиб, уларда 15 минг 783 ўқувчи тахсил олмақда.

Унутилмас сиймо хотирасига эҳтиром

1974 йил 24 июнда Янгийул шаҳрида давлат арбоби, Ўзбекистонинг узоқ йиллар бошқарган Усмон Юсупов яшаган уйда мемориал уй-музей ташкил этилган. Бу уй-музей узоқ йиллар эътибордан четда қолиб келди. Мазкур даргоҳ

мис эритиладиган печ ўрнатилиб, кабель ишлаб чиқариш учун ярим тайёр маҳсулот тайёрланади. Энди бугунга кўпроқ мис кабеллар ишлаб чиқаришга эътибор қаратмоқчимиз. Чунки айни пайтда мис кабелларига эҳтиёж ортиб бормоқда. Мис алюминга nisбатан қайишқоқ ва эгилувчан металл, электр ўтказувчанлиги юқори. 2021 йилда корхонада 2,5 минг километр мис, 2,5 минг километр алюмин кабель ишлаб чиқарилди. Жорий йилда мазкур кўрсаткични уч баробар ошириш кўзда тутилган. Утган йили 786 миллион сўм соф фойда кўрдик. Энди маҳсулотни Туркияга ҳам экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Янгийул “Венецияси”

Янгийул шаҳридаги Қорақулдук аригининг икки қирроғи бўйлаб 1,2 километр узунликда пиёдалар ва велосипед йўлакчалари қурилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин аллақачон бу ер маҳаллий аҳолининг сеvimли масканига айланди. Уни аҳоли Янгийул “Венецияси” деб атади. Яқин-яқингача ариқ атрофи чакалазор бўлиб, овлоқ жойга айлиб қолган эди. Утган йилги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари натижасида ҳудуд гўзал ва обод гўшага айланди. Қирғоқ бўйлаб темир панжаралар, тунги ёриткичлар ўрнатилиди. Ариқ ёқасига турли манзарали даракт кўчатлари экилди. Мухими, мазкур маскан аҳолига қўшмича қўлайликлар яратмоқда, одамлар бу ерда сайр қилиб, хордик чиқармоқда, спорт билан шуғулланипти. Пиёдалар ва велосипед йўлак-



Тадбиркорлар учун қулай бизнес муҳити

Янгийул шаҳрида 2017 йилда 154 та саноат корхонаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 167 тага етди. 2017 йилда улар томонидан 367,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирги кунда икки баробар ошиб, 724,3 миллиард сўм-

ни ташкил этмоқда. Шаҳарда 2021 йил давомида 2 460 та тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилиб, юридик шахслар 1508 та, яқка тартибдаги тадбиркорлар 952 тани ташкил қилди. Тадбиркорлар, корхоналар сони ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ошишида шаҳарда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган шарт-шароит ва қулай бизнес муҳити муҳим омил бўлаётди.

“Alukabel Payrav” ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган корхоналардан. 2018 йилда ишга туширилган корхона алюмин ва мис кабеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда 50 кишининг бандлиги таъминланган.

— Ҳам рўзгорбоп, ҳам завод ва фабрикаларда фойдаланишга мўлжалланган кабеллар ишлаб чиқарамиз, — дейди “Alukabel Payrav” хорижий корхонаси раҳбари ўринбосари Зиёдулла Турсунов. — Кабеллар учун хомашё маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинади, хорижий давлатлардан ҳам келтирилади. Деярли барча вилоятда дилерларимиз бор. Корхона фаолияти кенгайтирилиб, унинг филиали барпо этиляпти. Унда

панжаралар, 440 та тунги ёриткич ўрнатилиши билан мазкур муаммолар ҳал этилди. Бундай амалий ишлар шаҳар инфратузилмасини яхшилаш билан бирга, аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Ватан ичра ватанли бўлиш бахти

Юқорида айтганимиздек, Янгийул шаҳри узоқ йиллар эътибордан четда қолиб, кўп қаватли турар жойлар бунёд этилмади. Табиийки, аҳолининг янги, замонавий уйлارга эҳтиёжи ортиб бораверди. Ана шундай талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, юртимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби сўнги йилларда Янгийулда ҳам кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари бажарилди. Натижада шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарди, инфратузилма яхшиланди.

Хусусан, “O‘zshahar qurilish invest” ИК томонидан 2018 йилда 12 та, 2019 йилда эса 10 та 7 қаватли уй-жой қурилди. 2020 йил “Qishloq Qurilish Invest” ИК томонидан 1 та 5 қаватли, 2021 йилда 3 та 4 қаватли уй-жой барпо этилди.



“Сулаймон сити” МЧЖ томонидан қурилаётган “SULAYMON CITY” яқин вақт ичида шаҳарнинг кўркам манзилларидан бирига айланади. Гап шундаки, мазкур лойиҳа доирасида шаҳар марказида ўзига хос меъморий ечимга эга учта 14 қаватли осмонўпар турар жой биноси қад кўтармоқда. Шу чоққача Янгийул шаҳрида бундай баланд иншоотлар бўлмаган. Улар 200 та хонадондан иборат бўлиши, биринчи қаватида дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, 14-қаватида эса ресторан ўрин олиши кўзда тутилган.

Янгийул шаҳрини обод қилиш, инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш асосидан топшириқлар берди. Ана шу топшириқлар, вазифалар асосида шаҳарда замонавий боғчалар, мактаблар қурилди, мукаммал таъмирланди. Ичимлик сув масаласи, канализация тармоғи, йўл инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ кенг миқёсли ишлар бажарилди. Янгийул шаҳри тарихида бўлмаган кўламда кўп қаватли турар жой бинолари бунёд этилди, янгилари қурилмоқда. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи таъминланмоқда. Деҳқон бозори таъмирталаб, абгор ҳолатга келиб қолган. Маҳсулот сотиладиган расталарда на тартиб, на шароит бор эди. Бозор майдонини икки гектардан тўрт гектарга кенгайтирилиб, замонавий асосда қайта қурилди. Сотиладиган маҳсулот турига қараб алоҳида расталар ташкил этилди. Бозор олдин 630 ўринли бўлган бўлса, кенгайтирилгандан сўнг 1850 та иш ўрни яратилди. Шаҳарда янги корхоналар ўз фаолиятини бошлаб, янги иш ўринлари очилиши билан бу ерга одамлар кўчиб келмоқда, ўз келажагини шу шаҳарда кўрмоқда. Бир сўз билан айтганда, янгийулликлар янги ҳаёт наҳидасидан мамнун.



лар бунёд этилмоқда. “Сулаймон сити” МЧЖ томонидан қурилаётган “Sulaymon City” яқин вақт ичида шаҳарнинг кўркам манзилларидан бирига айланади. Гап шундаки, мазкур лойиҳа доирасида шаҳар марказида ўзига хос меъморий ечимга эга учта 14 қаватли осмонўпар турар жой биноси қад кўтармоқда. Шу чоққача Янгийул шаҳрида бундай баланд иншоотлар бўлмаган. Улар 200 та хонадондан иборат бўлиши, биринчи қаватида дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, 14-қаватида эса ресторан ўрин олиши кўзда тутилган.

Утган йилги ҳам турар жойлар қурилиши давом этирилипти. Хусусан, шаҳардаги Файзобод маҳалласида 432 хонадонли 4 та, Нов маҳалласида эса 840 та хонадонли 20 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Қовунчида туристик зона ташкил этилади

— Бир пайтлар Янгийул шаҳри йирик ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган, — дейди шаҳар ҳокими Фарҳод Мирзаев. — Бу ерда пойабзал, тирпоғар, қандолат фабрикаси, ун заводи, ёғ-мой комбинати, консерва заводи, пахта заводи, механизациялаштирилган кўча қурилиш ташкилоти каби йирик корхоналар фаолият юритган. Мазкур корхоналарнинг ҳар бирида минглаб одам ишлаган. Уртада шундай бир давр бўлдики, бу соҳалар эътибордан четда қолди, яхши мутахассислар бошқа жойларга кўчиб кетди, ишлаб чиқариш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Корхоналар фаолияти тўхтагандан сўнг ишсизлик кучайди. Президентимизнинг 2018 йил 5 январда Янгийул шаҳрига ташрифидан сўнг шаҳар ҳаётида том маънода янги давр бошланди. Давлатимиз раҳбари маҳаллаларга бориб, фуқароларнинг турмуш шароити билан танишди, халқ билан мулоқот қилди. Уларни қийнаётган муаммоларни сўради.

Янгийул шаҳрининг туристик салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Хусусан, Қовунчида маданий мерос объекти ҳудудида туристик маскан барпо этиш режалаштирилган.

— Янгийул шаҳри кенгаши депутатлари Қовунчида маданий мерос объекти ҳудудида туристик зона ташкил этиш ташаббусини илгари сурди, — дейди тарихшунос олим Ориф Нортурраев. — Мазкур ташаббусни шаҳар кенгаши сессиясига олиб чиқмоқчимиз. Илгари сураётган ташаббусимизга кўра, Қовунчида ҳудудида туристик инфратузилма яратиш, хусусан, бу ерда муайян ташкил этиш, унда Янгийул шаҳри ҳудудидан топилган тарихий буюмлар, экспонатларни жойлаштириш, ҳунармандлар расталари очиб орақли хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб этиш кўзда тутилган. Шу ўринда, Янгийул шаҳри тарихи, маданияти, бугунги ҳаётининг ҳикоя қилувчи “Янгийул шаҳри тараққиёт сари” деб номланган тарихий китоб-альбом нашрга тайёрланганини қайд этиш керак. Яқин орада бу китоб китобхоналар қўлига етиб боради.

Жорий йилда шаҳарда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли хонадонларида енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, хизматлар соҳасини ва бошқалар ҳисобига беш мингдан зиёд фуқаронинг бандлигини таъминлаш, 14 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, 9,5 километрни сув тармоғини, 2 та сув тарқатиш иншоотини қуриш, Баҳор ва Нов маҳаллаларида “Обод маҳалла” дастури асосида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

олий ўқув юртлари ва мактаблар ҳамкорлигида камол топади

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат университети ректори,
физика-математика фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда



Ёшлар таълим-тарбиясида маҳалла ва мактаблар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим масалалардан саналади. Бундай ҳамкорлик нафақат умумтаълим мактаблари, балки олий ўқув юртлари учун ҳам муҳимдир. Чунки олий таълим муассасалари талабалари ҳам маҳалладаги ёшларнинг фаол қатлами. Олий таълим муассасаси ва мактаблар ўртасидаги ҳамкорлик натижасида ўқувчиларда мактабдаёқ олий таълим ҳақида муайян тасаввур пайдо бўлади, қизиқиш уйғонади, улар ўз келажагини янада ёрқинроқ тасаввур эта бошлайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони таълим соҳасидаги кенг қўламли ислохотларни янги босқичга кўтарди. Ушбу ҳужжат, айниқса, мактаб ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини ривожлантириш, улар ўртасидаги интеграцияни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўрсаткичи паст бўлган, “қизил ҳудуд”даги мактаб битирувчиларини олий таълимга жалб қилиш ҳақида давлатимиз раҳбари аниқ кўрсатмалар берди ва шу асосда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Урганч давлат университети ҳам ушбу лойиҳанинг фаол иштирокчиларидан биридир. Бу борада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида университетимизда ҳам бир қатор самарали ишлар йўлга қўйилди.

лар билан индивидуал шугулландилар. Бу эса ўқувчиларнинг олий таълимга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилиш билан бирга, талабаларимизнинг асарияти мазкур мактабларда доимий ишлаб қолишига замин яратди.

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан математика, физика, кимё, биология, тарих, она тили фанлари бўйича 6 та электрон ўқув материалли ишлаб чиқилди. Математика фанидан умумтаълим мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари учун мўлжалланган <http://olimp.urdu.uz> ўқув платформаси ташкил этилди. Бу платформа орқали ўқув материаллари, олимпиада масалалари умумтаълим мактаби ўқитувчи ва ўқувчиларига етказиб берилди.

Мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари учун университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан математика, она тили ва адабиёт, физика, кимё, биология, тарих фанларидан бепул қўшимча ўқув машғулотлари ўтказилди. Урганч давлат университети ва мактаблар ҳамкорлигида математика, физика, тарихдан фан олимпиадалари ўтказилиб, уларда умумтаълим мактабларининг 875 нафар ўқувчиси қатнашди.

Мақсадимиз фақат юқори синф ўқувчиларини олий таълимга қамраб олишдан иборат бўлиб қолмади. Аввало, мазкур мактабларнинг билим салоҳиятини кўтариш ва ўқитувчиларининг малакасини оширишдир. Хусусан, бу борада бошланғич синф ўқитувчилари учун ўқув семинарлар ташкил қилинди. Университетимизнинг малакали профессор-ўқитувчилари ҳар ҳафта дарс ўтиб, ўз таъриб ва методик ёрдамларини кўрсатди. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари учун уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, қолаверса, ҳудуднинг шароити инобатга олиниб, фан тўғрисидаги олимпиада фаоллигини янада оширишга хизмат қилди.

Бундан ташқари, университет профессор-ўқитувчилари умумтаълим мактабларида дарс жараёнларини кузатиб, таҳлил қилиб борди. Унинг натижаларига кўра, мактаб ўқитувчиларида аниқланган камчилик ва бўшлиқларни тўлдирish, методик ёрдам бериш мақсадида маҳорат дарслари, семинар-тренинглари ташкил этилди.

Мазкур мақсадли ва хайрли ишларга жалб қилинган профессор-ўқитувчиларга университет маблағи ҳисобидан соатбай ҳақ тўланади, рағбатлантириб борилди.

2021-2022 ўқув йилида Урганч давлат университетига бириктирилган, кўрсаткичи паст бўлган мактаблар битирувчиларининг жами 198 нафаридан 139 нафари олий таълим муассасасига ҳужжат топшириб, 36 нафари талаба бўлди. Бу эса ҳужжат топширган ўқувчиларнинг 26 фоизидир.

Таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларнинг камол топиши ҳамда бўш вақтини мазмунли ўтказишида Президентимиз илгари сурган 5 та муҳим ташаббус ушбу аҳамият касб этмоқда. Шу боис, оталиққа олинган мактабларда “Беш ташаббус — беш имконият” деб номланган маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ташкил этиб борилади.


Бугун мамлакатимизда таълим соҳасини, хусусан, мактаблардаги ўқув ва тарбия жараёнини давр талабига мослаш учун туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ишга олий таълим муассасалари ҳам жалб этилаётгани бежиз эмас. Чунки ҳар қандай таълим муассасаси бир-бири билан ўзги боғлиқ, бир-бирини тўлдирди ва ривожлантиради. Мактаблар билан ҳамкорлигини узоқ мuddатга мўлжалланган. Олий таълим муассасаси ва мактаблар ўртасида йўлга қўйилган бундай ҳамкорлик яқин келажақда ўз мевасини беради, албатта.

Ахборот технологиялари, хусусан, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиб бориши замонавий соҳа йўналишларига йўл очиб берди. Дастурчи, IT мутахассиси, “FREELANCER” каби янги фаолият турлари кун сайин оммалашиб борапти. Айниқса, коронавирус пандемияси шароитида ушбу соҳага қизиқиш янада ортиб, интернет тармоқлари орқали даромад топувчилар сафи кенгайди. Хорижий srendmenot.com электрон наشري маълумотларига кўра, 2020 йилга бориб биргина фрилансерлар глобал ишчи кучининг 80 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, фрилансерлик бугунги кунда меҳнат турларининг энг замонавий шакллари билан бири ҳисобланади. Уйда ўтирган ҳолда, миқозларга ўз маҳсулотини ёки хизматларини тақдир этиш эвазига даромад топиш уларнинг асосий, йўналиши. Яъни, фрилансер деганда, мустақил ходим, эркин ишчи, асосан, бир марталик ёки мавсумий ишларни бажариш учун ёлланувчи, буюртма асосида қайсибир иш ёки хизматни муайян ҳақ эвазига келишилган вақт давомида амалга ошириб беришчи инсон тушунилади.

рўйхатидаги оилалар аъзоларини замонавий соҳаларга ўқитишга алоҳида эътибор қаратилапти. Мақсад — уларга берилаётган бир марталик кўмак, моддий ёрдам билан кифояланмасдан, ўзи учун даромад манбаи яратишига кўмаклаштишдан иборат.

Охириги йиллар ҳудудларда ўз-ўзини банд қилиш тизими такомиллаштирилиб, манзилли “йўл харитаси” яратилди, маҳаллалардаги “Усиш нуқталари” аниқланиб, уларни ривожлантириш мақсадида мамлакатда янги “Маҳаллабай” тизими жорий этилди. Натижада минг-



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА ЙИЛИГА 20-25 ФОИЗГА ЎСЯПТИ

Тарихда биринчи мартаба “фрилансер” атамаси Вальтер Скоттнинг “Айвенго” романида “ўрта аср ёлланма жангчиси”га нисбатан қўлланилган бўлса, бугунги кунда фрилансерлар асосан норасмий равишда фаолият юритади ва харидорларни ўзлари излаб топади ёки буюртмачилар тақлифига кўра иш қилади.

— Дунёда бу соҳага талаб йил сайин ортиб бормоқда, — дейди фрилансер Алибек Раҳмонов. — Бунга сабаб мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни кўллал асосида амалга ошириш тизими оммалашиб бораётганида. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда жаҳонда 1 миллиарддан ортиқ фрилансер фаолият олиб боради. Уларнинг 86 фоизи ўз уйда туриб ишлайди. 60 фоиздан ортиги икки ёки учта соҳага иختисослашган. Аҳамиятлиси, мавжуд фрилансерларнинг 35 фоизини аёллар ташкил қилмоқда.

лаб меҳнатга лаёқатли ишчи аҳолининг бандлиги таъминланади. Фрилансерлар сонининг ортиб бораётгани ана шу ишларнинг самараси. Бу соҳа ортидан ҳали яна кўплаб одамларни даромадли қилиш мумкин.

Яна бир жиҳати, соҳага нафақат йитилган ва ёшларни, балки хотин-қизларни ҳам кенгроқ жалб этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Одатда IT соҳаси ва фрилансерлик ҳақида гап кетганда, кўпчилик уни ёшлар билан боғлайди. Бинобарин, ҳудудларда аҳоли, хусусан, хотин-қизларга ўз қизиқишлари ҳамда имкониятларидан келиб чиқиб, фрилансерлик фаолиятини ўргатадиган тизимли мономарказлар, ўқув курслари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки

соҳаларга ўқитиб, ҳеч бўлмаганда, уйда туриб бажара оладиган иш билан таъминласак, бунинг ёмон томони йўқ, менимча.

Яхши малака — яхши даромад

Бир қарашда оддий кўринадиган фрилансерлик фаолияти, аслида, кишидан ўқиб-ўрганиш, маълум билимларни эгаллаш талаб этади. Замонавий фрилансерлик фаолияти мутлақо нотаниш шахсдан минглаб қаҳирман масофадан туриб буюртма қабул қилишни тақозо қилади. Бу эса, баъзида алданган қолдиш эҳтимолини ҳам оширади. Шу сабаб фрилансер ўз зиммасига бирор иш олишидан аввал,

Хотин-қизлар ҳам уддалайди

Юртимиз шароитида IT соҳаси ва фрилансерлик фаолияти яқин йилларда кириб келганига қарамай, тез ривожланиб бораётганини кўриш мумкин. Ёшлар орасида бу соҳани яхшигина уддалаётганлар талайгина. Давлат солиқ кўмитаси ахборот хизмати маълумотларига назар солсак, жорий йил 16 февралга ҳолатига кўра, мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилганлар сони 1 миллион 324 минг нафардан ошди.

Охириги беш йилликда Ўзбекистоннинг фриланс бозорига киришга тайёрлик индекси 10-15 фоизга юқорилади. Инфратузилма нуқтаи назаридан эса ўртача кўрсаткич 20-25 фоизгача ўсгани қайд этилмоқда. Бугунги кунда freelance.admin.uz, gigancer.uz, webclass.uz, ish-bor.uz, Bisyor.uz ва olx.uz каби бир қатор фрилансерлик платформалари фаолиятини йўлга қўйилган бўлиб, улар соҳага қизиқувчиларга яқиндан кўмак бериб келяпти. Мазкур сайт платформалари орқали иш топиш ёки иш беришга айланган мумкин.

Масалан, infoshop.uz сайти орқали сиз нафақат ўзингиз учун муносиб иш топишингиз, балки тайёр лойиҳаларини ҳам сотиб олишингиз мумкин. Ҳозирга қадар сайт орқали 1300 тадан ортиқ муваффақиятли қелишув имзоланган. Буюртмачиларга 2350 нафардан зиёд фрилансер хизмат кўрсатмоқда. Бу мамлакатимизда улар фаолиятини кун сайин ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Юртимизда ўзини ўзи банд қилган инсонлар учун қатор қулайликлар мавжуд. Хусусан, улар бепул рўйхатдан ўтади, йилда бир марта БҲИ(базавий) ҳисоблаш миқдори)нинг бир баравари миқдоридан икхтёрый равишда икхтимоий солиқ тўлайди, аммо даромадидан солиқ олинмайди, уларга меҳнат стажини ва пенсия ҳисобланади.

Айни турдаги замонавий соҳаларга нафақат рақамли иқтисодиётнинг бир қисми, балки аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида ҳам қаралмоқда. Шу боис, мазкур йўналишда моддий-техник база ва салоҳиятли кадрлар кучини бир жойга жамлаш ишлари фаоллашган. Бу мамлакатимизда камбағалликни қисқартириб, аҳоли бандлигини ва даромадини оширишга қаратилган кенг миқёсдаги чора-тадбирларнинг бир қисми. Албатта, жараёнда давлатимиз раҳбари ташаббус билан жойларда шакллантирилган “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”



бу соҳа камбағалликни қисқартириш, ивасизликни туғатиш йўлида бугунги даврнинг долзарб ва самарали ечими бўла олади.

— Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни камбағаллик ҳолатидан чиқаришга қаратилган қатор амалий ишлар натижаси кишини қувонтиради, — дейди Халқ депутати Гулнора Аҳмедова. — Президентимиз белгилаб берган ушбу эзгу мақсад инъикосида халқимиз янгидан-янги ислохотларнинг ҳақиқий ижодкорига айланиб бормоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси амалга ошириб келинаётган мақсад ва вазифаларнинг том маънодаги узвий давоми бўлиб, дейиш мумкин. Фаолиятимиз доирасида кўплаб аҳоли вакиллари, жумладан, аёллар билан мулоқотда бўламиз. Уларнинг турмуш тарзи ва ҳаёти билан яқиндан танишиб, дардига қулоқ тутаман. Қузатувларимдан хулосалар чиқараман. Масалан, жамиятимизда шундай оилалар борки, улар ўз аёлларининг жамоат жойлари, корхона ёки ташкилотларда ишлашини хохламайди. Бундай оилаларда аёл киши биринчи галда уй-рўзгор юмушларини бажарувчи ва фарзанд тарбияси билан шугулланувчи шахс ҳисобланади. Албатта, бу юмушларнинг юқини енгил санаб бўлмайди. Бироқ ҳар бир аёл жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси. Уларнинг уй-рўзгор ва фарзанд тарбиясидан ташқари, ўзлари қизиққан сеvimли машғулотини ёки қайсибир касбга иктидорли борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Шу жиҳатдан, хотин-қизларни замонавий

соҳаларга ўқитиб, ҳеч бўлмаганда, уйда туриб бажара оладиган иш билан таъминласак, бунинг ёмон томони йўқ, менимча.

Яхши малака — яхши даромад

Бир қарашда оддий кўринадиган фрилансерлик фаолияти, аслида, кишидан ўқиб-ўрганиш, маълум билимларни эгаллаш талаб этади. Замонавий фрилансерлик фаолияти мутлақо нотаниш шахсдан минглаб қаҳирман масофадан туриб буюртма қабул қилишни тақозо қилади. Бу эса, баъзида алданган қолдиш эҳтимолини ҳам оширади. Шу сабаб фрилансер ўз зиммасига бирор иш олишидан аввал,

фрилансерлик фаолияти, аслида, кишидан ўқиб-ўрганиш, маълум билимларни эгаллаш талаб этади. Замонавий фрилансерлик фаолияти мутлақо нотаниш шахсдан минглаб қаҳирман масофадан туриб буюртма қабул қилишни тақозо қилади. Бу эса, баъзида алданган қолдиш эҳтимолини ҳам оширади. Шу сабаб фрилансер ўз зиммасига бирор иш олишидан аввал,

фрилансерлик фаолияти, аслида, кишидан ўқиб-ўрганиш, маълум билимларни эгаллаш талаб этади. Замонавий фрилансерлик фаолияти мутлақо нотаниш шахсдан минглаб қаҳирман масофадан туриб буюртма қабул қилишни тақозо қилади. Бу эса, баъзида алданган қолдиш эҳтимолини ҳам оширади. Шу сабаб фрилансер ўз зиммасига бирор иш олишидан аввал,

фрилансерлик фаолияти, аслида, кишидан ўқиб-ўрганиш, маълум билимларни эгаллаш талаб этади. Замонавий фрилансерлик фаолияти мутлақо нотаниш шахсдан минглаб қаҳирман масофадан туриб буюртма қабул қилишни тақозо қилади. Бу эса, баъзида алданган қолдиш эҳтимолини ҳам оширади. Шу сабаб фрилансер ўз зиммасига бирор иш олишидан аввал,

фрилансерлик фаолияти, аслида, кишидан ўқиб-ўрганиш, маълум билимларни эгаллаш талаб этади. Замонавий фрилансерлик фаолияти мутлақо нотаниш шахсдан минглаб қаҳирман масофадан туриб буюртма қабул қилишни тақозо қилади. Бу эса, баъзида алданган қолдиш эҳтимолини ҳам оширади. Шу сабаб фрилансер ўз зиммасига бирор иш олишидан аввал,

ҳам рози бўлган бўласиз. Жумладан, иш беришчи иш мuddатига, сифатига нисбатан талаб қўйиши мумкин. Бунинг учун у сиз билан электрон почта ёки бошқа манбалар орқали боғланиб, ўзининг талабларини баён қилади. Одатда тажрибали фрилансерлар ўз ишларини қисқа мuddатда бир неча вариантлари билан буюртмачига тақдим қилади. Белгиланган мuddатдан олдин топширилган ёки буюртмачига танлаш имконини яратиб берган ҳар бир фрилансернинг статуси буюртмачининг иш топширилгандан кейинги кайфиятига боғлиқ. Яъни буюртмачи уни “муҳокамалар пешлавахаси” да мактаб ёвса, фрилансерга иш тақдир қилувчилар сони ортади. Бу эса ўз-ўзини фрилансернинг меҳнатини янада қимматроқ сота олишига замин яратяди. Худди шундай, биргина ўз вақтида бажарилмаган иш ёки сифатидан қониқмаган иш беришчининг норози фикри фрилансер оубрусининг кескин тушиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Демак, фрилансердан, аввало, билим, ўз ишига пухталик ва масъулият талаб этилади. Жараёнда тил билиш масаласи ҳам муҳим. Боиси, буюртмачилар орасида хорижий давлатлар вакиллари ҳам топилади. Айтайлик, тил билмайди, аввалгига қичқич-қичқич буюртмаларингизда барча ишни “Google таржимони” орқали муаммосиз бажариб келгансиз. Аммо 5-10 минг долларлик буюртмани қабул қилгудек бўлсангиз, буюртмачи сизга кўн-гирок қилади ва сиз унинг бирорта ҳам гапига тушунмайсиз. Ўз-ўзидан буюртма бекор бўлади. Бу эса сизнинг нуфузингизга салбий таъсир қилади.

Масаланинг бошқа нозик томонлари ҳам бор. Uprwork ва шу турдаги даллол агентликлар орқали ишни қабул қилишнинг билан ҳисобингизга ваъда қилган умумий сумманинг тенг ярми ўтказиб берилади. Бироқ ишни бажармай, аванс маблағини қайтаришдан бош торсангиз, пуллар суд орқали ундириб олинади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги асарият фрилансерлар иш ҳақларини мавжуд бир қатор тўлов тизимлари орқали хорижий валютада олади. Уларнинг бундай турдаги даромадлари бўйича ҳар бир буюртмачи ўзидан мавжуд солиқ қонунчилигидан келиб чиқиб ҳақ тўлайди, фрилансернинг ўзи эса бизда солиқ тўламайди.

Соҳани тизимли ривожлантириш зарур


Дунёда энг кўп аҳоли яшайдиган мамлакатлардан бири бўлган Ҳиндистон чорак аср муқаддам жуда камбағал давлатлардан бири эди. Устига-устак мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти аксар аҳолини иш билан таъминлаш олиш имконини бермасди. Яшаш учун кураш миллионлаб одамларда фрилансерлик қобилиятини шакллантирди. Бугунги кунда Ҳиндистон фрилансерлари берилган ишни тез бажаришда дунёда етакчи давлатлардан бирига айланган.

— Ўзбекистонда ҳам малакали, катта даромадга эга бўлаётган фрилансерлар йўқ эмас, бор, — дея қўшимча қилди фрилансер Алибек Раҳмонов. — Аммо бу фаолиятни янада оммалаштириш учун тизимли ривожлантириш зарур.

Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартиб-қоида билан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) фрилансерларга бир қатор имкониятлар тақдим этилди. Хусусан, улар чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар — норезидентлардан хорижий валютада тўловларни ташки савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда, Ўзбекистон банкларидagi ҳисобрақамларига шартнома тузмадан, қелишув тўғрисидаги оммавий тақдирини (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмаштириш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларини (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш ишларини бажариш ҳуқуқи берилди.

Бу соҳа ривожини йўлида ҳам, аҳолини шу йўналишда бандлигини таъминлаш борасида ҳам ташланган муҳим қадамлардан бири. Мазкур имкониятларни янада кенгайтириш фрилансерлар сонининг ошishi, юртимизда бу борада ўзига хос мактаб яратилиши, одамларнинг замонавий соҳа ортидан оила тебратиши учун замин яратяди.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
журналист



Утган ўқув йилида кўрсаткичлари вилоят бўйича паст бўлган Хонқа туманидаги битта, Ҳазорасп ва Янгибозор туманларидаги иккита давлат ҳамда Шовот туманидаги битта умумтаълим мактаби университетга бириктирилди.

Биз ишни муаммоларни чуқур ўрганишдан бошладик. Олдин мактаб ўқитувчилари жамоаси билан, кейин эса ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказдик, муаммоларини тингладик, бартараф этиш йўллари муҳокама қилдик.

Урганишлардан келиб чиққан ҳолда, мактабларда таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқувчиларнинг ўз истеъдодини тўлиқ намойиш этишига ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Яхши кўрсаткичдаги мактаблар билан улар таққосланди. Шу асосда тизимли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, университетимизда умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун математика, физика, кимё, биология, тарих, она тили фанлари бўйича қисқа мuddатли малака ошириш курслари ташкил этилди. Ҳар ҳафтанинг муайян кунда режа асосида ўқув машғулотлари ўтказилди. Ўқув курсларида умумтаълим мактабларининг 78 нафар ўқитувчиси иштирок этди.

Иқтидорли талабаларимиздан 47 нафари айнан ушбу мактабларга педагогик амалиётга юборилди. Талабалар ўқувчи-

1 март – Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллуди куни

МУАЗЗАМ ШАРҚ НАМОЁНДИР СЕНИНГ ПОКИЗА ЖОНИНГДА

Қутлибека РАҲИМБОЕВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Баъзан ким ҳақидадир, нима ҳақидадир тўлиб-тошиб айтилган, ёзилган алқашларни эшитсак ё ўқисак: "Жуда муволажа қилибди" ё "Бироз ошириб юборибди", деймиз. Аммо академик шоир Ғафур Ғулломнинг Зулфияхоним мадҳига айтган, одамлар орасида оммалашиб кетган "Муаззам Шарқ намоёндири сенинг покиза жонингда" сатрларига кўзимиз тушса, жуда топиб айтибди, деймиз. Аслида Зулфияхонимнинг "вафо ва садоқат тимсоли", "меҳрибон устоз", "талабчан раҳбар" каби бири-биридан чиройли сифатларининг ҳаммаси ўзига ярашади. Лекин "покиза"нинг ўрни барибир бўлакча...



билан Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 3 томли сайланма асарлари чоп этиладиган бўлди. Биринчи, иккинчи томлари осон тайёрланди, учинчиси публицистик асарлар бўлгани боис, уша вақт нуктаи назаридан ҳар бир мақолани кўриб чиқиш керак эди. Нашриёт қистаётгани учун мен ўз ҳисобимдан таътил олиб, опага ёрдамлаша бошладим.

Мен ўқирдим, опа диванда ўтирган кўйи таҳрир қиларди (опа бетоброқ эди). Кунларнинг бирида:

— Ёзувлар — сенки. Қачондир қайси бир тадқиқотчи бу кўлэмаларни ўрганса, "Зулфияхонимнинг мақолаларини кимдир таҳрир қилган экан", дейди-да, — деб қолди.

Мен: "Агар кўнглингиз ғашланаётган бўлса, ҳар бир саҳифанинг остига таҳрирдан ўзингизни эканини билдирадиган белги қўйинг" дедим.


Шундай қилгачина, кўнгли тинчиди. Бундай қараганда, ундан кейинги қайси бир тадқиқотчининг ўзи ҳақида нима деб ўйлашининг қизиги йўқ эмасми? Уша пайтдаги мавқеи, мақом, мартабаси баъзи аёлларда бўлса, "Мендан кейин дунёни сув босмайдими?" дер эди, эҳтимол. Лекин Зулфияхоним шундай инсон эдики, меҳнат, меҳр билан қозонган издат-оброўсига ҳаётлигида ҳам, кейин ҳам ғубор қўнишини истамасди.

Инсоннинг покизалигини намоён этувчи жиҳатлардан яна бири кийиниши, пардоз-андоз...

Опа билан мен 65 ёшидан кейин юзма-юз бўлганман. Аввалги кўринишини фақат расмлардан биламан. У ҳамиша ўзига ярашиқли, айна пайтда ниҳоятда дид билан кийинган. Бошдан оёғини нечоғлиқ синчковлик билан кузатсангиз ҳам

ўзидан итарадиган бирор нуқсон топа олмасдингиз. Улуғ ёшида ниҳоятда сипо кийнарди. Ҳеч қачон "чақирувчи" ранглардаги матолардан либос тиктирмасди, ортиқча пардоз-андозга ҳам ҳуши йўқ эди. Ҳозирги пайтда ёши етмишдан ошса-да, калта, тор юбка кийиб, қошларини, лабларини бўяб юрган баъзи аёлларни кўрсам, ягона зийнати бармоғидаги феруза кўзли узук бўлган устозимиз кўз олдимга келади. Ҳолбуки, шoirнинг давлати ўзига етарли эди. Лекин у "Элга кирсанг, элингча бўл" нақлига амал қиларди. Чунки ҳузурига кунига ўнлаб аёллар келарди, ўзи учрашувларга борарди. Аксариятининг кўнглида камлик бўлар, кўзиде ёш, тилида арз билан келган хотин-қизларнинг олдига ярқираб ўтиришни ўзига эп кўрмасди.

Қолаверса, 50-60-йиллардан бошлаб Зулфияхоним шоира, журнал бош муҳаррири, жамоат арбоби сифатида фақат республикамизда эмас, қардош мамлакатлар, ҳатто дунё минбарларида ҳам ўзбек аёли номидан сўз айтган, шеър ўқиган. Жуда катта давраларда ўтирган, улус инсонлар билан суҳбатдош бўлган. Уларнинг орасида ўз давлатининг арбоблари қатори Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Сулаймон Рустам каби таниқли ёзувчи, шоирлар ҳам бўлган. Мен уларнинг устозга ёзган хатлари, турли саналар муносабати билан ёзган табриқоналарини ўқиганман. Ёзувларида онасига бўлгандай меҳр, опа-синглисига бўлгандай гамҳўрлик оҳанглири кўриниб туради. Шу қадар самимий хатлар... Агар устозимиз ўша катта давраларда салгина бўлса-да, одоб доирасидан чиққанида, салгина бўлса-да, ўзбек аёлига ярашмаган нимадир қилганида бу эҳтиромлар



Бугун адабиёт майдонга гурос-гурос ёшлар кириб келяпти. Уларнинг орасида қизлар, аynиқса, Зулфия номидаги давлат мукофотига даъвогарлар кўп. Зулфияхонимнинг шоирлиги, устозлиги, халқ ичидagi мавқеига ҳавас қилишдан олдин биз у кишининг покиза суврати ва сийратига ҳавас қилишимиз керакка ўхшайди.

келиноним тайёрлаб берарди. Ҳатто катта меҳмондорчиликлар пайти: — Сизлар шоира қиларимсизлар, пешбанд тақиб, уй хизматчиларига ўхшаб, меҳмонлар олдига чиқманг. Чиройли кийиниб, сочларингиз тараб, меҳмонлар олдига, менинг ёнбошимда ўтиринглар, — дерди. Айтганларини қилганимизда, даврадаги нуфузли меҳмонларга бизни бирма-бир таништирар, қайси бир сатримизнидир ёд айттар, ё бирор фазилатимизни ажратиб кўрсатарди. Биз шу тарзда нуфузли инсонлар наздида "Зулфияхоним қизлари" бўлиб ўрнашиб қолардик.

Вақти келганда, ана шу нарса бизнинг йўлларимизни очиб юборарди. Баъзи шоирларнинг ижоди шахсини нурлантриб кўрсатади, баъзиларининг шахси ижодини ярқиратиб туради. Зулфияхонимнинг ижоди шахсиятидаги ҳалоллик, покизалик, одамийлик билан яна ҳам юксакроқ кўринади. Устоз бизга "Баҳор келди сени сўроқлаб", "Шу-да бир яшаш", "Қозғистон туркумлари", "Хотира синиқлари" каби гўзал асарлари қатори жуда кўп шахсий ибрат қолдирди. Бизга шундай унутилмас ибратлар қолдиргани учун миннатдор бўламан, ҳақиқа дуолар қиламан.

Бугун адабиёт майдонга гурос-гурос ёшлар кириб келяпти. Уларнинг орасида қизлар, аynиқса, Зулфия номидаги давлат мукофотига даъвогарлар кўп. Зулфияхонимнинг шоирлиги, устозлиги, халқ ичидagi мавқеига ҳавас қилишдан олдин биз у кишининг покиза суврати ва сийратига ҳавас қилишимиз керакка ўхшайди.

Биз хотира ҳаёллар аро битаётган битигимиз ҳам асл мўддаси шу: миллитимиз маънавиятининг асоси ҳисобланган покизалик фақат хотиралар, суваратларда қолмасин, ўзимиз, бугунимиз, келажакимизда яшасин.

қаёқда эди?! Мен қандайдир муносабат билан бориб қолган (кичик давраларда, албатта) давраларимда айрим аёлларни кўрсам, устозимизнинг аёл шаъни, ўзбек аёли шаъни, миллият шаънига қанчалар масъулиятини муносабатда бўлганини сезаман. Зулфияхоним фақат ўзининг эмас, умуман, инсон шаънини ҳам баланд тутарди.

Эшитганим бор: бир идора раҳбари пастрок вазифада ишлайдиган хизматчисини ҳафта сайин уйига олиб кетаркан-да, хонадонда (узр-ку) неварасининг тувагига тозалатар экан. Бир марта сал оринганида: "Сенинг ишинга зор одамлар мингта, агар уйимда ишлашни хохламасанг, аризангни ёзи!", деган экан.

Биз ҳам Зулфия опамнинг уйига бориб юрардик. Лекин бирор марта уй ишларини буюриш тугул, илтимос ҳам қилмасди. Овқатларини Хулқар опам ё Риоя



ҲАР НАФАС МАЗМУНИ ФАЗОЛАРДАН КЕНГ

ёхуд ислоҳотлар замирида юксалаётган инсон қадри

МУНОСАБАТ

Зебинисо РАҲМОНОВА, Самарқанд давлат университети ёшлар масаллари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори



Бу йил Жомбойда маҳаллабай тизим орқали тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини

таъминлаш учун 62 миллиард сўм имтиёзли кредит ва 4,5 миллиард сўм субсидия ажратиш кўзда тутилган экан. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спортга жалб этиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳридаги 59-мактаб-интернатда ҳам бўлди. Ҳозирги кунда муассасада кўзи оғир 259 нафар бола билим олмоқда.

— Ҳамма ҳаракатларимиз замирида инсон қадрини улуғлаш мақсади бор, — деди Президентимиз. — Бугун бу ерга сизларнинг хоҳиш-истакларингиз, муаммоларингизни билиш учун келдим. Мақсадимиз — яхши ўқиб, ишлаб, жамиятда ўрин топишингиз учун шароит яратиш.

Давлатимиз раҳбари ўқувчилар билан суҳбатлашар экан, "Шундай

қарор қабул қиламизки, аввало, мактабларнинг ўзида ўқувчилар касбга ўргатилари. Ҳар бир олийгоҳда, ташкилотда кўзи оғир инсонлар учун алоҳида ўринлар бўлади. Бу соҳадаги энг катта қийинчиликлардан бири — мактабга таълим. Шунинг учун ҳар бир мактаб-интернат ёнида боғча ҳам қуриш керак", дея таъкидлади.

Президентимизнинг "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам мамлакатимиз ёшларини тўлқинлантириб юборди. Бундан буён маҳаллаларда ёшлар билан янги тизимда ишланади. Маҳалладаги ёшлар етакчиси ёш йигит-қизлар учун фикрлари, қизиқиш ва интилишлари юзасидан таянадиган, суянадиган, ишонадиган тендош, ҳамфирқи бўлади. Зеро, маҳалладаги ёшлар бир-бирини яхши билади. Шароитидан, имкониятидан

ҳабардор. Ҳатто муаммосини тушунади. Бу эса тез тил топишида, бирор масалага ечим излашда жуда муҳим. Мазкур қарор билан ёшларга оид давлат сийосати янада мукамаллашди, қамрови кенгайди. Амалда ёшлар таълим-тарбияси кун тартибидagi биринчи масалага айланди. Мазкур саяё-ҳаракатлар номигагина эмаслигини бу борада жуда катта амалий натижаларга эришилгани ҳам кўрсатиб турибди. Бир сўз билан айтганда, таълим ва тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат ёшларга яқинлаштирилди. Президент қарорига қўра, давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларидаги ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорга (директор ўринбосарига) биринчи проректор (директорнинг биринчи

ўринбосари)га тенглаштирилди. Бу ишонч ва эътибор ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Мен олий ўқув юртида ишлаётган бир мутасадди сифатида айта оламани, бу ҳали ҳаммаси эмас, Ўзбекистон ёшларининг бахту иқболи хали олднда.

Бугунги дунё талотўллари, таҳлика ва тажовуларини кўз олдимизга келтирсак, уларнинг биринчи нишонини ёшлар эканига амин бўламиз. Бу аччиқ ҳақиқатни тан олмаслик, менга дахлдор эмас, деб қараш катта хато. Ёшларнинг таълим-тарбиясига нафақат ўқитувчилар, балки ҳар бир инсон жавобгар. Худди она юртимизни ҳимоя қилганимиздек, Ватаннинг эртанги кунини ҳисобланган ёшларни ҳам асраб-авайлашимиз, эҳтиёт қилишимиз шарт ва зарурдир!

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 499

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Беқул Эгамқулов Мусахҳиж: Рўзйкул Очйлов Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:40 Топширилди — 22:45